

Саратовда шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг илмий-маърифий меросларини ўрганиш бўйича форум ўтказилди

Image not found or type unknown



16:00 / 13.06.2022 1726

2022 йил 11 июнь куни Россиянинг Саратов шаҳрида Волгабўйи мусулмонлари идораси ҳамда «Турон» ўзбек миллий-маданий маркази ҳамкорлигида Волга Булғори Ислами қабул қилганининг 1100 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбир доирасида шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг илмий-маърифий меросларини ўрганиш бўйича форум ўтказилди. Форумда Ўзбекистон мусулмонлари идораси вакиллари ҳам иштирок этишди.

Қуръони Карим тиловати ва дуолардан сўнг Волгабўйи мусулмонлари идораси раиси, муфтий Муқаддас ҳазрат Бибарсов ҳамда ички сиёсат ва

ижтимоий алоқалар вазирлиги вакили сўзга чиқдилар.



Муҳаммад Айюб Косоний байрам қатнашчиларига Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров ҳазратларининг самимий саломларини етказиб, ташриф билан барчани қутладилар.



Шунингдек, Исмоил Муҳаммад Юсуф, Москвадаги шайх ҳазратлари номидаги муслмонлар маънавий-маърифий маркази раҳбари Рисқулбек Каримбековлар ҳам сўзга чиқиб, шайх ҳазратларининг ҳаёт йўли ва илмий-маънавий мероси ҳақида маърузалар қилдилар.

